

Филдиракли трактор ва
автомобиллар бурилиши.

Ғилдиракли трактор ва автомобиллар қишлоқ хұжалик ва транспорт ишларини бажараётганида түғри ёки әгри чизиқли траектория бүйича харакатланиши мумкин. Траектория деб машина массаси марказининг (оғирлик маркази) бурилиш чизигига айтилади.

Бурилиш деб машинани әгри чизик траектория бүйича харакатланишига айтилади.

Машинани бурилиш жараёни учта босқычдан иборат бўлади:

1. Бурилишга кириш –бунда әгри чизик траекторияси ошиб боради;
2. Ўзгармас әгри чизик траектория билан харакатланиш.
3. Бурилишдан чиқиш –бунда әгри чизик траекторияси маълум бир бурчак миқдоридан нолгача камаяди.

Айрим холларда бурилиш иккинчи босқычсиз ҳам бажарилиши мумкин. Трактор ва автомобилларни бурилишини машина –хайдовчи –таянч юза тизим деб қабул қилиш мумкин. Ушбу тизимдаги машинани асосий ҳусусиятларидан бири бошқарувчанлик ҳисобланади.

Бошқарувчанлик деб машинани тегишли ҳаракатланиш йўналишини аниқ сақлашлыгига ва бошқариш органларига таъсир ўтказилгандан сўнг йўналишни керакли траектория бүйича ўзгаришига айтилади. Бошқарилувчанликни биринчи ҳусусияти, яъни берилган ҳаракатланиш йўналишини аниқ сақлашлыгига –курс турғунлиги дейилади. Иккинчи ҳусусиятига яъни машинани бошқариш органларига таъсир ўтказилгандан сўнг, йўналишни керакли траектория бүйича ҳаракатланишини таъминлашига –бурилевчанлик дейилади.

Бошқарилувчанлик ва бурилувчанликни баҳолаш мезонлари сифатида қуидаги міндорий күрсаткичлар қўлланилади:

1. Айлана шаклида харакатланганда минимал радиус бўйича бурилиши.
2. Эгри чизик траектория билан харакатланишни катта тезлик қиймати билан бажараолиши.
3. Белгиланган траектория бўйича харакатланаётганида машинани бошқариш (буриш) учун ҳайдовчи томонидан сарфланадиган энегрия міндори.
4. Машинани бурилишига сарфланган солиштирма тортиш кучи міндори.
5. Бурилишда юриткичларни тишлилашиб кучини фойдаланиш коэффициенти міндори.

Машинани бурилиш радиуси қанча кичик бўлса (кескин бурилса) унинг бурилувчанлиги шунча яхши бўлади.

Машинани статик бурилувчанлигини баҳолашда минимал бурилиш радиуси мезон сифатида қабул қилинади.


1. Машинани асосига нисбатан бошқарилувчан ғилдиракларни ернинг текислигига нисбатан ҳолатини ўзгартириш.
2. Машинани бир қисмини иккинчи қисмiga нисбатан ҳолатини харакатланиш текислигига ўзгартириш орқали.
3. Машинани бир томонидаги ғилдиракларни иккинчи томондаги ғилдиракларга нисбатан узатилаётган буровчи моментни ўзгартириш орқали

Тўрт ва уч ғилдиракли универсал –чопиқ трактор ва автомобиллар биринчи усул ёрдамида бурилади. Одатда машиналарни олд ғилдираклари бошқарилувчан бўлиб орқа ғилдиракларга нисбатан кичик диаметрли қилиб тайёрланади.

Ўз юрар комбайнлар ва айрим мелиоратив машиналарда орқа кичик диаметрли ғилдираклар бошқарилувчан бўлиши мумкин.

Айтиб ўтилган ҳар бир бурилиш усулларини ўзига хос бурилиш кинематикаси мавжуд. Битта олд бошқарилувчан ғилдиракли тракторни бурилишида қуйидаги шартлар бажарилиши лозим:

1. Бурилиш радиуси ўзгармас бўлиши лозим.
2. Харакат тезлиги ўзгармас бўлиши лозим.
3. Шиналар бикр бўлиб, ёнлама сирпаниш йўқ бўлиши керак.



Уч ғилдиракли тракторнинг бурилиш
схемаси

Ушбу шартларни инобатга олинса тракторни бурилишидаги харакат битта ўзгармас ўқ атрофида содир бўлади.

Олд ғилдиракни бурилиш тезлиги V_1 ўз ўқларига перпендикуляр жойлашган бўлади. Олд ғилдирак ўқи O_1 ва орқа ғилдираклар ўқи O_2 ларни кесишган нуқтаси О - бурилиш маркази деб айтилади.

Бурилиш марказидан орқа кўприкни ўртасигача бўлган масофа О O_2 бурилиш радиуси деб аталиб қуидагича аниқланади:

$$R = L \cdot \text{ctg} \alpha,$$


бунда L –тракторнинг бўйлама базаси; α -олд ғилдиракни нейтрал ҳолатидан (тўғри чизиқли харакат йўналишидан) ўзгариш бурчаги.

Минимал бурилиш радиуси R_{\min} тракторни базасига ва олд ғилдиракни нейтрал ҳолатдан иложи бўлган максимал α_{\max} бурчакка бурилишига боғлиқ. Одатда $\alpha_{\max} = 35\dots45^\circ$ бўлади.

Түрт ғилдиракли трактор ва автомобилларни бурилишини тахлил қилишда энг асосий түшүнчани билиб қўйиш жоиз –чап ва ўнг бошқарилувчан ғилдираклар бурилиш жараёнида ҳар хил микдордаги бурчакка бурилишлари шарт, факат шундагина ғилдираклар ён томонга сирпанмасдан ва деформацияланмасдан бурилади.

Бурилиш схемасидан ва котангенслар формуласига асосланган ҳолда шундай иборани ёзиш мумкин:

$$\text{ctg} \alpha_{\text{и}} = \frac{R - a}{L}; \text{ctg} \alpha_{\text{т}} = \frac{R + a}{L}$$



Олд ғилдираклари бошқарилувчан түрт ғилдиракли трактор ёки автомобильни бурилиш схемаси.

L –автомобилнинг бўйлама базаси; R –бурилиш радиуси; В – автомобильнинг кўндаланг базаси; α-бошқарилувчан ғилдиракларни шкворенлари орасидаги масофани ярми; α_т –ташқи бошқарилувчи ғилдиракнинг бурилиш бурчаги; α_и – ички ғилдиракнинг бурилиш бурчаги

Олд ғилдираклар бошқарилувчан бўлган тўрт ғилдиракли автомобилларда формула ўзгармас бўлиб бурилиш радиусига ҳам боғлиқ эмас:

$$\operatorname{ctg} \alpha_{\text{т}} - \operatorname{ctg} \alpha_{\text{и}} = \frac{2 \cdot \alpha}{L}$$

Ташқи ва ички бошқарилувчан ғилдираклар бурчаклари орасидаги ушбу иборани таъминлаш учун маҳсус тўрт звеноли механизм кўлланилади ва у рул трапецияси деб аталади.

Айрим ҳолларда бошқарилувчан ғилдиракларни бурилиш бурчагини аниқлаш учун соддалаштирилган ибора –ўртacha бурилиш бурчак ибораси қабул қилинади:


$$\alpha_{\tilde{y}} = \frac{\alpha_{\text{и}} + \alpha_{\text{т}}}{2}$$

Олд ғилдираклари бошқарылувчи бўлган машиналарни қуидаги камчиликлари мавжуд:

1. Рул бошқарма юритмаси конструкциясини нисбатан мураккаблиги.
2. Машинани минимал бурилиш изини кенгайиб кетиши.

Ушбу камчиликларни бартараф қилиш мақсадида “букилувчан рама” усулида буриладиган тракторлар ишлаб чиқарила бошланди. Одатда бу турдаги бурилиш усулли тракторларни барча ғилдираклари етакчи ва диаметрлари teng қилиб тайёрланади (Т-150 К, К-701). “Букилувчан рама” ли тракторлар шарнир ёрдамида бирлаштирилган икки секциялардан иборат бўлиб вертикал (кам бурчакга) ва горизонтал текисликларда бир бирларига нисбатан бурилишлари мумкин. Шуни айтиш керакки хар бир секциядаги ғилдираклар секция рамасига нисбатан ҳолатини ўзгартирмайди, яъни бурилмайди.

Фидираклари секция рамасига нисбатан бурилмайдыган “букилувчан рама” усулида буриладыган трактор схемаси.



“Букилувчи рама” усулида буриладиган тракторларни айрим афзалликлари мавжуд: яхши маневрлилиги, кичик радиус билан бурила олишлиги, бошқариш шарнирларини камайтирганлиги.

Камчилик сифатида шуни айтиш керакки бу турдаги тракторлар паст баланд ерларда ишлай олмайди.

Бу турдаги тракторларни минимал бурилиш радиуси қуидагicha аникланади:

$$R_{\min} = 0,5 \cdot L \cdot c \cdot i \cdot g \alpha_{\max},$$

бунда α_{\max} –хар бир секцияни нейтрал ҳолатдан бурила оладиган максимал бурчак.

Турли усуллар билан буриладиган тракторларни солишириш учун нисбий бурилиш радиус тушунчаси қабул қилинган:

$$\rho = \frac{R}{B}$$

бунда В -тракторнинг кундаланг базаси.

Бурилиш усулларини ҳар бири тракторни эгри чизик бўйича харакатланиш кинематикасига таъсир қиласди. Машина тегишли радиус билан бурилиши учун етакчи ғилдираклар етарли тортиш кучи ҳосил қилиши лозим, чунки бурилишда ҳаракатланишга қаршилик қилувчи куч ортади.